

Ҳадис дарслари (122-дарс). Барчангиз Аллоҳнинг арқонини маҳкам тутинг!



16:40 / 03.02.2021 4792

Қуръони Каримнинг исмларидан бири «Китоб»дир. Шаръий манбаларда, мисол учун фикҳ, ҳадис ва бошқа илмлардаги баҳсларда «Китоб» дейилса, Қуръони Карим тушунилади.

Аллоҳ жалла шаънуҳу:

أَوْقِرَفَاتِ الْوَأَعْيَمِ جَلَّ لِجَلِّ الْبَحْبِ أَوْمِ صَتَّ عَاوُ: هُنَّ أَشْرَجُ لَلْجَلِّ لِقَاقِ

«Ва Аллоҳнинг ипини маҳкам тутинглар ва тафриқага тушманглар», деган.

Ушбу оятдаги «Аллоҳнинг ипи»дан мурод Қуръон ва шариатдир. Аллоҳ таоло мусулмонларни Аллоҳнинг Китобини ва шариатини маҳкам тутишга, тафриқага тушиб, ихтилоф қилмасликка амр қилмоқда. Бу оят бобнинг айни муроди бўлганлиги учун муаллиф шу оятни келтирдилар.

Энди «Оли Имрон» сурасидаги ушбу ояти каримани батафсил ўрганиб чиқайлик:

«Барчангиз Аллоҳнинг арқонини маҳкам тутинг ва бўлиниб кетманг. Ва Аллоҳнинг сизга берган неъматини эсланг: бир вақтлар душман эдингиз, бас, қалбларингизни улфат қилди. Унинг неъматини ила биродар бўлдингиз. Оловли жар ёқасида эдингиз, ундан сизни

қутқарди. Шундай қилиб, Аллоҳ сизга Ўз оятларини баён қилади. Шоядки ҳидоят топсангиз» (103-оят).

Ояти каримадаги «Аллоҳнинг арқони» деган иборадан Қуръони Карим тушунилади. Жарга қулаш хавфидаги инсон арқонни маҳкам ушласа, қутулиб қолганидек, дўзах тубига қуламасликнинг ҳам бирдан-бир чораси Қуръони Каримни маҳкам ушлашдир. Шундагина инсон нажот топади. Муслмон уммати нажот топиши учун барча бир бўлиб, Аллоҳнинг каломи бўлмиш Қуръони Каримни маҳкам тутишлари лозимдир.

«Барчангиз Аллоҳнинг арқонини маҳкам тутинг».

Бу оятнинг ушбу жумлалари муслмон оламини бирлаштириш шиоридир. Қуръони Карим Аллоҳнинг арқони эканлиги ҳақида жуда ҳам кўп ҳадислар келган.

Имом Табароний Абу Саъийд Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Аллоҳнинг Китоби Унинг осмондан ергача тортилган арқонидир», деганлар.

«...ва бўлиниб кетманг».

Аввал бирлашишга чақириб туриб, ортидан бўлинмасликка амр келяпти. Шундан ҳам бу ишнинг нақадар муҳим эканлигини билиб олса бўлади.

Имом Муслим ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбар алайҳиссалоту вассалом: «Албатта, Аллоҳ сизлар учун уч нарсага рози бўлади ва уч нарсани ёмон кўради. Унинг Ўзига ибодат қилиб, ширк келтирмаслигингиз, барчангиз Аллоҳнинг ипини маҳкам тутиб, бўлиниб кетмаслигингиз ва сизга ишбоши бўлган шахсга насиҳатда бўлишингиздан рози бўлади. «Деди-деди» дейиш, кўп савол бериш ва молни зое қилишингизни ёмон кўради», дедилар.

Тафсирчи олимларимиз: «Муслмонлар иттифоқ бўлсалар, хато қилмасликларининг кафолати берилган», дейдилар.

Минг афсуслар бўлсин, муслмонлар ушбу ояти каримага амал қилмаганликлари, Аллоҳнинг ипи бўлмиш Қуръонни барчалари бирлашиб маҳкам тутмаганликлари, кўплаб бўлинишлар, ихтилофлар қилганликлари учун бошларига битмас-туганмас бало-офатлар ёғилмоқда. Аллоҳнинг бир оятига амал қилинмагани учун шунчалар мусибатлар бўлса, кўп оятларига амал қилмаганда нима бўлишини ўзимиз билиб олаверайлик.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан